

## ТАЛАБАЛАР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҲОЛАТ

Расулбаев Махкам Магруппович, АВТ кафедраси ассистенти

Холиёрова Ҳилола Комил қизи

Талабалар телевидениеси тарихи бир неча ўн йилликни ташкил этади. Биринчи талабалар телеканаллари XX асрнинг 60 йилларида Буюк Британия ва АҚШда ташкил этилган.

Буюк Британияда биринчи талабалар телеканаллари 1964 йилда Шотландиядаги Глазго Университети талабалари томонидан тузилган. Бу телеканал турли даврларни ўз бошидан кечирган, бироқ ҳозирга келиб канал стабил ва актив иш олиб бормоқда. Ҳозирга келиб у Шотландиядаги ягона талабалар телеканалидир. Дастурлар онлайн тарзда ва университетнинг ички кабель тармоғи орқали узатилади. Телеканал турли мавзуларда дастурлар ишлаб чиқади. Булар қаторига янгиликлар, спорт, мусиқий, ижтимоий ва оммабоп кўрсатувлар ва бошқалар киради. Телеканалда 20 та яқин талаба ва битта бошлиқ (айни пайтда каналдаги ягона талаба бўлмаган каттароқ ёшдаги инсон) ишлайди.

Британиядаги яна бир қария телеканаллардан бири York Student Televisionдир. Бу телеканал 1967 йилдан бери Йорк Университети қошида фаолият олиб боради. Айна пайтда канал дастурлари университет ичидаги кабель орқали ва интернет орқали 24 соат узатилади. Каналнинг асосий контенти университетдаги журналистика ва кинематограф соҳасидаги талабалар томонидан ўқув жараёнида бажарилади. Бундай ёндашув талабаларни ишлаб чиқариш соҳаси билан янада яқинроқ таништиради ва ўқув жараёнини аниқ йўналиш бўйича олиб боришга ёрдам беради.

Британиядаги талабалар телеканаллари ичида турли ўлчамлардагилари мавжуд. Юқорида қайд этилган катта каналлардан ташқари жуда кичик каналлар ҳам бор. Катта телеканаллардан фарқли ўлароқ улар кўпи бутунлай талабаларнинг ўз маблағлари ҳисобига ташкил этилган. Бундай каналларга Борнмут шаҳридаги MattPlan TV мисол бўла олади. Бу канал икки студентнинг шахсий маблағлари эвазига очилган ва шу сабабли фақатгина ёзги таътил давридагина фаолият юритади. Кичик каналлар асосан интернет ва YouTube хизмати орқали эфирга чиқади.

Британия телеканалларининг катта кичиклиги ва ташкилий усулларида қатъий назар уларнинг умумий ғоя бирлаштириб туради ва умумий координацияни талаб этар эди. Айна уларнинг бундай ҳаракатлари 1970 йилда Британия талабалар телевидениелари миллий ассоциациясини (NaSTA) ташкил

этилишига олиб келди. Бу ассоциациянинг ўз олдига қўйган асосий мақсад сифатида каналлар орасида телекўрсатувлар ва тажриба алмашишни кўради. Ассоциация хозирда 32 телеканални бирлаштиради.

АҚШда ҳам талабалар телеканаллари тарихи XX аср ўрталарига бориб тақалади. Уларнинг фаолияти ва ишлаш усулари Британия университетлари каналларига жуда ўхшаш. АҚШнинг “қария” каналларига SVN (Students Video Network) мисол бўла олади. Бу каналга 1974 йилда Хьюстон университетида асос солинган. Телеканал етарлича материал базага эга ва турлича мавзуларда кўрсатувлар тайёрлайди.

Яна бир АҚШ телеканалларидан бири Student Gamecock Television (SGTV)дир. Бу телеканал нисбатан ёш бўлишига қарамай 2009-2013 йиллар орасида талабалар телеканаллари учун бир қанча совринлар билан тақдирлинган.

АҚШ талабалар телеканаллари ҳам ўзаро бир ташкилот остида бириккан. Ташкилот номи Талабалар Очик Телевизион Тармоғи (OSTN). Ташкилотга 2004 йилда асос солинган ва марказий офис Огайо штати, Кливленд шаҳрида жойлашган.

Россияда ҳам бир қанча талабалар телеканаллари мавжуд ва улар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу борада энг мўйсафид телеканалларига ЮУрГУ-ТВ ва Санкт Петербург давлат университети каналлари мисол бўла олади. Бундан ташқари Россиянинг Уфа шаҳрида ЮниверТВ телеканали фаолият юритади. ЮниверТВ талабалар телеканали тушунчасиша тўлиқ мос келмайди, бу алоҳида МЧЖ сифатида очилган бўлиб канал ўз фаолиятини университетлар ҳудудида олиб боради. Бу телеканал кўрсатувлари айни вақтда Уфа шаҳридага 12 энг катта ОТМлардаги 72 телемониторларга узатилади. Томошабинлар сони эса тахминан 120-130 минг кишини ташкил этади. Каналнинг айрим кўрсатувлари университетлар талабалари томонидан ишлаб чиқилади.

Умуман олганда Россияда талабалар телеканаллари сони тахминан 30 тани ташкил этади. Уларда ҳам телекўрсатувлар турли жанрларда ва форматларда олиб борилади.

Халқаро тажрибадан шуни кўриш мумкинки, замонавий талабалар телеканалларини ташкил этишда асосан талабаларнинг ғайрати катта роль ўйнайди. Замонавий рақамли технологиялар телекўрсатувлар тайёрлашни арзонлаштирди. Эндиликда кам сонли техник воситалар орқали ҳам контен тайёрлаш ва уни эфирга узатиш мумкин. Интернетнинг ёрдами билан телекўрсатувлар узатиш географияси маълум ҳудуд чегараларидан чиқиб кетди. Энг асосийси бу телеканалларда талабалар ўз тажрибасини орттиради. Айрим ғарб давлатларида эса талабалар телеканаллар орқали танилиб кейинчалик шоу ва телебизнесда ўз ўринларини топиб кетмоқдалар.

Афсуски Ўзбекистонда талабалар телеканаллари оммалашмаган. Ҳеч қайси катта университет ўзининг телеканали билан мақтана олмаса керак. Ваҳоланки ҳар бир университетда бунга имкон мавжуд. Ўзбекистонда МТРК учун асосий кадр етиштириб берувчи университет ТАТУ қошида айнан шундай телеканал ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу айтишда ҳам талабаларни мутахассислик бўйича йўналтиришга, уларни соҳага қизиқтиришга, ҳам таълим билан ишлаб чиқаришни тўғридан тўғри боғлашга ёрдам беради. Телеканал контенти York Student Television каби талабалар томонидан таълим олиш жараёнида тайёрланиб бориши ва каналнинг энг яхши кўрсатувлари МТРК каналларида ҳам намойиш этилиши мумкин. Телеканалнинг томошабинлари сони эса ТАТУ талабалари сонидан келиб чиқиб 10-11 кишини ташкил эта олади. Стабил фаолият ва замонавий кўрсатувлар эса каналга реклама жойлаштириш орқали моддий фойда ёки ҳомийлик капиталини олиб кириши мумкин. Бу эса ўз навбатида талабалар ва университет учун фойда келтиради.

Ҳулоса қилиб шунини айтишимиз мумкинки Ўзбекистонда талабалар телеканалларига асос солиш ва уларни ривожлантириш лозим. Бу борада ғарбдан биз сал кам 50 йилга ортида қолмоқдамиз.